O `ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
XONQA TUMANI HOKIMINING

QARORI

Xonqa shaharchasi, Xalqlar do'stligi ko'chasi, 30-uy

2021 йил 27 апрель **379к -сон** **Хонқа шаҳарч**

Хонқа туманида транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги ҳамда "Йўл ҳаракати хавфсизилиги тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 377-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Хонқа тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (А.Матчанов) ва Хонқа тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолияини мувофиқлаштириш бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими (О.Сотимов)га:

"Хонқа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (М.Абдуллаев) билан биргаликда Хонқа тумани 4р-156а автомобиль йўлининг 1.1 км, Ал-Хоразмий ва Халқлар дўстлиги кўчалари кесишган чорраҳасида *(Хонқа туман Маданият бўлими биноси олди ва ён томони)* 3.27 "Тўхташ тақиқланган" йўл белгисини ўрнатилишини таъминласинлар.

2. Мазкур қарор "Хонқа ҳаёти" газетасида эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Сканировано с CamScanner

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш йўлларда ҳаракатланиш ҳавфсизлигини таъминлаш комиссияси раиси, туман ҳокимининг ўринбосари С.Бекчанов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **М.С.Давлатов**

Сканировано с CamScanner